

5.1. Сотувчи ва сотиб олувчи куйидаги ҳолларда олинадиган газ ҳажмини кўпайтириш ёки камайитиришга ҳуқуқли ва бу учун жавобгар эмасдирлар:

- а) кутилмаганда газ қувурлари, электр, газ тармоқларида содир бўлган авария ҳолларда;
- б) газ билан таъминлашда сотувчига, боғлиқ бўлмаган узилишларда;
- в) ёнғин, zilzila, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;
- г) газ қувурлари, электр, газ тармоқларининг навбатдаги жорий таъмирланиши, шу билан боғлиқ бўлган синов ва пайвандлаш ишлари давомида.

5.2. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома шартнома тузувчилар томонидан имзолангандан сўнг қонуний кучга кириди ва 31 декабр 2022 йилгача амалда бўлади.

6.2. Мазкур шартнома камида икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

6.3. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

6.4. Шартнома бекор қилинган тақдирда ҳам томонлар узаро қарздорлик жавобгарлигидан озод этилмайдилар, ўзаро қарздорликни йуқатиш, яни нол ҳолатга келтириш шартноманинг асосий шартидир.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Навоий вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади

8. БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Сотиб олувчи, олинган газ учун тўловни амалга оширмаганлиги натижасида қарздорлик пайдо бўлганда, сотувчи, тўловнинг ҳар бир кечиктирилган куни учун қарз суммасининг 0.1% миқдориди, жами қарзнинг 50%идан кўп бўлмаган миқдорда, қўшимча тўлов тўлашни талаб қилиши мумкин.

8.2. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши, муҳрланиши лозим.

8.3. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«Зарафшон автогаз» МЧЖ

Манзили: Қизилтепа т. Бўстон ҚФЙ
тел\факс: 91-401-06-40

х\р: 20 208 000 904 939 677 001

Банк: Миллийбанк Қизилтепа ф.

МФО: 00945 СТИР: 302025267

ОКЭД: 47300

Per № НДС: 312050014327

Директор:

М.Ў.



«СОТИБ ОЛУВЧИ»

«Навоий сув таъминоти» МЧЖ

Навоий сув таъминоти

Манзили: Туздор м.р.й.
тел\факс: 555-25-46

х\р: 22638000004548322363

МФО: 00205; СТИР: 300024824

ОКЭД: _____

(имзо)

М.Ў.

